Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 165 (7055). ● 30 август, 1979 йил ◆ ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари ғўза парваришини давом эттириш билан бирга пахта йиғим-теримига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Ғўза парвариши ва мавсумга тай ёргарлик колхознинг Т. Ўташев бошлиқ бригадасида яхши йўлга қўйилган. Сурат да: колхоз раиси Ғ. Ботиров, бригада бошлиғи Т. Ўташев, сувчилар А. Жилибеков ва С. Ўташевлар ғўза ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг даъвати билан социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1979 йил январь—август ойлари планини муддатидан илгари — 29 августда бажардилар.

Кўмир қазиб олиш, трактор сеялкалари, пайпоқ ускаки трикотаж, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан январь—август ойлари плани ошириб бажарилади.

(ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОБОД. Ойбек номли совхознинг А. Марқабоев бошлиқ бригадаси аъзолари ғўза парваришини жадал олиб бормоқдалар. Улар ҳозиргача ғўзани олти марта комплекс ишловдан чиқардилар. Экин оби-ҳаётка ҳам қондириляпти. Пахтакорларнинг меҳрига қонаётган ғўзалардаги ҳосил нишоналари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир бригада далаларидаги ғўзаларнинг ҳар тупида 8—10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Ф. БОЙБУТАЕВ.

* * *

ПИСКЕНТ. Бу йил 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган 2-«Пискент» совхозининг коммунист Г. Мамедов бошлиқ бригадаси коллективи пахтазорларда зарбдорларча меҳнат қилаяпти. Улар ғўза парваришини ҳосил етилгунга қадар давом эттиришга аҳд қилишган. Шу кунларда бригада механизаторлари ғўзани еттинчи культивация қилишни бошлаб юборишган.

Р. КОЗИМОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Етиштирилаётган ялпи ҳосилнинг камида 90 процентини машиналар билан териб олишни режалаган С. Сегизбоев номли совхознинг 6-бўлими механизаторлари «зангори кема»ларини ишга тахт қилиб қўйдилар. Пахта териш машиналарини ремонт қилишда механизаторлар И. Холбоев, Ж. Усмонов, Т. Назировлар ғайрат кўрсатдилар.

Бўлимда ғўза парваришида зарбдор 40 кунлик ҳам давом этяпти. Пахтакорлар ғўза культивациясини ва суғоришни агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар. Бу иш, айниқса коммунист Т. Хожиакбаров бошлиқ бригадада яхши йўлга қўйилган.

О. ТУРАҚУЛОВ.

ПАХТА УСТАСИ

ЎРТА-ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ КУЙБИШЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ МОҲИР ПАХТАКОРИ БЕКТОШ ОҚБЕРДИЕВ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Кишининг ҳаётида шундай дамлар бўладики, бир зум ҳаёл олиб ўчдими, кўз ўнгингизда бундан бир неча йиллар олдин рўй берган воқеалар худди ҳозиргидагидек гавдаланади. Бектош ака эгат бошида ғўзаларга сув тараётган Ҳошим Зокировнинг ишига разм солиб туриб, нечундир падари Оқберди отани эслади. Ўшанда Бектош еттинчи синф ўқувчиси эди. Мактабдан қайтиб, китоб-дафтарни уйга қўярди-ю, дадаси томон — далага, тўғон тепасига ошиқарди. Отаси уни кўриб, сўнар, дастёр ўғилгинасига меҳр билан боқиб, кетмонни тутқазарди.

— Мана бу эгатга оч сувни, ўғлим, кўряпсанми ғўзани тагига сув бориши билан жонланяпти. Ана шитирлаган овозни эшитяпсанми, шона гул очяпти, — дерди.

Кичкина Бектош бўлса отасининг ғўзаларга маҳлиё боқишини кўриб «отажоним, далани, ғўзани жуда-жуда яхши кўрадиларда», деб дилидан ўтказарди. Унинг қалбида пахтага бўлган меҳри ўша пайтдаёқ ўрнашиб олганди...

— Ҳа, бригадир, ўйланиб қолдингиз, ташвишланаверманг, ҳосилимиз чакки эмас, деб унинг ҳаёлини бўлди сувчи.

Бектош ака мамнун жилмайиб қўйди. Эгатларда бир маромда сув оқиб турарди. Ҳошим ака кетмони сопига суяниб туриб бригадирга тикилди.

— Биласиз-ку, отам раҳматли ҳам сиз каби сувчи эдилар.

— Бўлмасам-чи, Оқберди ота менинг отамлар билан тенгдош эдилар.

— Мен ҳам улардек пахтакор бўлишни орзу қилардим, — деди бригадир, — шу ниятда ўнинчини битириб аттестат оладиган кун — ўн етти йигит колхозда қолиб ишлашга аҳд қилдик. Бу 1941 йил 22 июнь кечи эди. Ўша куни уруш бошлангани ҳақида шум хабар эшитдик.

Ҳозир Сизнинг ишингизни кузатаётиб нечундир ўша кунларни эсладим... Майли, сувингиздан боҳабар бўлинг, нариги пайкалга ўтаётган эдим, кўпам заҳлаб кетмасин, ўт босмасин яна.

Бектош ака эгатдан чаққон хатлади-ю, дадил юриб кетди. Аммо ҳаёли ҳамон йироқларда эди. Ўшанда икки акаси Оқйигит билан Турлибек урушнинг иккинчи куниёқ фронтга кетишганди. Бектошлар: ўн етти йигит райком комсомолда ленинчи ёшлар союзининг аъзолик билетини қўлга олаётганларида: «Биз ҳам Ватан ҳимоясига, жангга борамиз», — деб қўнгилли равишда жангга отланишди. Бу — 1941 йилнинг сентябри эди. Дўстлар турли қисмларга бўлиниб кетишди. Беш йиллик жангу-жадалдан сўнг Бектош қўлтиқ таёқда қадрдон қишлоғига қайтиб келди. Икки акасидан эса жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида қора хат келибди. Отагинаси Оқберди ота ҳам, мусибат енганми, оламдан ўтганди. Ҳувиллаб қолган кулбасида мункайган ова-си-ю, икки ёш укаси... Бирга урушга кетган ўн етти тенгдошдан ёлғиз ўзи ногирон бўлиб қайтганди. Қишлоқда бўлса ишчи кучи етишмайди...

Умр йўлдоши, ака-ука жигарбанди, фарзандлари фронтда ҳалок бўлган аёллар-у, қариялар, ўсмирлар ишлашарди далаларда. Бектош аҳволни кўриб, чидаб туролмади. Оёқларидаги ўқнинг жароҳати битмаёқ колхоз идорасига кириб келди. У пайтларда ҳозирги бригада — бир колхоз эди. Чкалов номли колхознинг кекса ранси марҳум Қоравой ака Исаев:

— Ўғлим, бироз даволаниб турсанг бўлармиди, яраларинг ҳам битмаган кўринади, — деди.

Бироқ Бектош кўнмади, «Нима иш бўлса ҳам беринг, авжи баҳор, ерга уруғ қадайдиган пайтда бекор ўтираманми?» деб туриб олди. У ҳозир кексалик гаштини сураётган меҳнат ветерани Ғани ака Овлиқбоев бошлиқ бригадада табелчилик қилабошлади. Кун бўйи дала кезар, иш тақсимлар, бажарилган ишни ўлчаб олар, уйга қайтгач, тун бўйи оёқлари, қўлтиқ таёқ эзган аъзойи-бадани зирқираб оғрирди. Мард бўлиб майдонга чиқдим, энди чекиниш йўқ, — дерди у ўзигаўзи. Ахир бу қийинчилик уруш азоблари олдида ҳеч гап эмас-ку! Фронт бўйлаб қанча-қанча жойларни пиёда босиб ўтгам, неча шаҳарлардан фашистларни қувиб чиққан бу оёқлар.

Бектош тонг палла қадр-дон даласига келиб, тундаги жон оғриғини унитар, янгидан иш бошларди. Уч йил—то 1948 йилгача шу далаларда табелчилик қилди. Бригадир Қоравой ака кексайиб қолганди. Кўп ишларни Бектошга ишониб топширар, ўзига ўринбосар тайёрларди. Бир куни «Бектош болам, мана бригаданинг пасти-баландига тушуниб қолдинг, энди ўзинг бошқаравераса, ранс билан гапни пишитиб қўйганман», — деди. Ўша йили янги бригадирни партия аъзолигига қабул қилишди. Кўп ўтмай атрофдаги 3 колхоз бирлашиб Куйбишев номли катта хўжалик ташкил этилди. Колхоз коммунистлари Бектошни колхоз партия ташкилотига секретарь қилиб сайлашди, партия ходими сифатида ҳам катта сиёсий-тарбиявий ишларни олиб борди. Аммо Бектош бевосита пахта етиштириш билан шуғулланишга қизиқарди. Хўжаликда ер-сув бир хил, баъзи жойда ҳосилдорлик юқори, айрим участкада кам. Бунга бефарқ қараб туроладими? Колхознинг Қозоқовул участкасида 340 гектар майдонда пахта экилади-ю бироқ 17—18 центнерга етар-етмас пахта етиштирилади.

— Ўша кам ҳосилли участкага ишга борсам, — деб қолди, Бектош.

Ташаббуси маъқулланди. Ишнинг кўзини билиб юритилгач, тўрт йил ичида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 3—4 центнердан кўтарилиб, 36,5 центнерга етказилди. Шунда Бектош Оқбердиев правлениега келиб:

— Энди ерлар семириб нормага тушиб қолди, бригадамга қайтсам, — деди. Правление аъзолари ҳайрон қолишди.

Бригадир дала шийпонига етгунига қадар ўзининг босиб ўтган ана шу сўқмоқли йўллари ҳаёлидан бир-бир ўтди. Шийпонга яқинлашгач табелчи Абдуҳалил Набиевни кўриб: «У нега бу ерда юрибди, ҳали тушликка вақт бор-ку», — дилидан ўтказди.

— Ҳа, Абдуҳалил, нима гап? — сўради.

— Сизни излаб келгандим, — жавоб қилди у.

— Қулоғим сенда.

— Механизаторларнинг конкурси ҳақида маслаҳатлашиб олай девдим. Абдулла Жумаев ҳам, Аъзам Зокиров билан Ҳаким Дадажонов ҳам шай-ку, шундай бўлса ҳам кеч билан аввал ўзимиз бир синаб кўрсак. Негаки, кўпнинг ичида салобат босиб, билганларидан ҳам адашиб ўтиришмасин.

— Э, у азаматлар, чакки эмас, ҳавотир олманг, — мана кўрасиз ғолиб чиқишади. — Бригадир ҳамроҳини тез етиб боради. Бу ҳисобга кўра етти, саккизинчи ишлов берилиши эди.

Уларнинг бригадаси 76 гектар майдонга пахта, 21 гектар ерда каноп, 15 гектар ерда маккажўхори етиштиради. Тажрибали деҳқонлар жўхори билан канопни пахта билан алмашлаб экишади. Уч йил ичида бутун пахта майдони алмашланади. Шунинг учун ҳам бригадада ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда. Бу майдонлардан 1951—53 йиллари гектаридан 28 центнердан ҳосил олинганди. Кейинги уч йилнинг ўзида бу рақам 37, 38, 39,5 центнерданга етди. Бу йилги марра — 40 центнер.

Ҳозирги ҳар гектарда ўртача 115 минг туп ғўза бор. Ҳар тупда эса 8—9 тадан бўлиқ кўсак. Энди ҳамма гап шу кўсакларни тўла етилтириб, очилтириб, йиғиб-териб олишда қолган. Энг масъулиятли дамлар энди бошланяпти. Улар пахтани тўлиқ машинада териб олишади. Бунга ҳамма нарса шай. Дефолиацияни ерда тракторлар билан ўтказишаётган эдим, кўпам заҳлаб кетмасин, ўт босмасин яна.

— Раҳмат сизларга, шундай огир шароитда ҳам ғўзани ўнглаб серҳосил қилиб олибсиз. Энди бу ерлардан 40 центнердан ҳосил олса бўлади, — кузда яна келамиз, — деди.

Бектош ака, бригада аъзоларининг руҳи кўтаринки эди, ғайрат-шижоат билан ишлашарди. Бригадир эса «кузда яна уятли бўлиб қолмайлик» деган андишада.

Қотмадан келган, ўрта бўй, қорачагина, қўллари қадоқ бу одам ҳақида ёзарканман, кўз ўнгимда унинг мамнун кулиб турган чеҳраси гавдаланарди.

У 30 йилдан буён пахтадан муттасил юқори ҳосил олиб келмоқда. Шу касбикори туфайли элатининг иззат икромига сазовор бўлди. Республика қишлоқ хўжалиги министрлиги таъсис этган «Пахта устаси» кўкрак нишони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари, бир неча медаллар, ҳаммаси унинг касбига бўлган меҳр-муҳаббатидан эмасми, ахир!

Бектош ака Оқбердиевнинг даласидан узоқлашмоқдамиз. Пахтаэор серфаиз. Ана бригаданинг Дилбар Сулаймонова, Аширбў Тоирова, Тожибу Каримова сингари чеварлари, эгат оралаб юришибди. Ҳар туп ғўзани кўздан кечиришмоқда. Хирмонингизга барака, азиз пахтакорлар!

Ф. УСМОНОВА.

ДУР ЯРАТАЁТГАНЛАР

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг Аҳмад Ширинов етакчилик қилаётган бригадаси даласини кезар экансиз, тер тўкиб, дур яратаётган марду-майдонлар жасоратига қойил қоласиз. Ҳар туп ғўзадаги 10—12 тадан зиёд бўлиқ кўсаклар мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Чеканка ўз вақтида ўтказилган далаларда тракторлар қатор ораларини культивация қилиш билан банд. Қуёш тафтидан бахра олган ғўзалар баравж.

Бригада азаматлари бу йил 80 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Т. ЗОКИРОВ.

ШОЛИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Янгийўл районидаги Ленин номли колхозинг Абдумажид Маҳатов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 94 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан шоли етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар ваъдага вафо қилиш учун шоли парваришини агротехника қоидалари асосида олиб бораётирлар.

Шоликорлар ҳозиргача экинни икки марта озиқлантирдилар ва ўтқидан чиқардилар. Экин парваришида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ўсканбой Нурматов, Ўктамбой Маҳкамов, Ғани Рихсибоев, Абдуҳаким Шертоевлар кўпчиликка ўрнак бўлаётирлар.

А. РИХСИБОЕВ.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхози биринчи бўлими пахтакорлари бўлимлараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда лар. Суратда: (чапдан) бўлим бошлиғи М. Маҳкамов (ўртада) деҳқонлар билан суҳбатлашмоқда. Сифат белгси олган ғўза пайкалларида культивация пайти.

М. Қорабеков фотоси.

ТАШАББУСКОРЛАР ДАЛАСИДА

ВАЪДАНИНГ ВАФОСИ УЧУН

Маккажўхоризорда меҳнат авжига чиққан. Ҳосилни ўриб-йиғиб олаётган «Херсонец-7» комбайнлари, донга тўла сўталар ва кўкпояларни даладан олиб чиқаётган транспорт тракторларининг овози ҳаммаёқни тутган.

Комбайнлардан бири бизга яқинлашгач, механизатор тезликни пасайтириб, уни аста тўхтатди. Ундан ўрта бўй, кенг яғринли, юзлари қуёш нурида қорайган, кўзлари порлаб турган йигит илдам сакраб тушди.

—Маккажўхоричилик бригадамизнинг бошлиғи ана шу шунқор бўлади, — деди ҳамроҳимиз. Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси Абдуфаттоҳ ака Абулқосимов.

Биз «дала маликаси» шайдоси Раҳмат Ортиқов ҳақида илгари ҳам эшитган эдик. У мана беш йилдан бери хўжаликнинг маккажўхоричилик бригадасига етакчилик қилиб келяпти. Агар 1974 йилда, яъни Раҳмат биринчи йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаган йилда маккажўхорикорлар ҳар гектар майдондан 68 центнердан «қаҳрабо дон» хирмони кўтарган бўлсалар, ўтган йили бу кўрсаткич 110 центнерга етди. Шу туфайли ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида бригада коллективи Ватан омборига планда белгиланганидан икки баробар кўп — 441 тонна маккажўхори дони тўкди.

Бу йил Раҳмат Ортиқов бошлиқ бригада аъзолари областимизнинг илғор маккажўхорикорлари қатори «қаҳрабо дон»дан рекорд ҳосил етиштириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар маккажўхори дони ҳосилдорлигини гектар бошига 112 центнерга етказиш юзасидан зиммаларига юкланган мажбуриятлар қабул қилдилар.

— Бу йил кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келди, — дейди бригада бошлиғи. — Баҳорда ёғингарчиликлар кўп бўлганлиги оқибатида биринчи бор экканларимиз чириб кетди. Даладаги сув ҳам, ўтўлан ҳам заҳарланмайди, терим ҳам унумли бўлади. Сувчилар Ҳошим ака Зокиров, Маъруфжон Ҳошимов, Мусурмон Тошматов, Жўрабой Юнусов, Абусаттор Ўразбоевларга карталар бўлиб берилган. Ҳар қайсиси 15—16 гектарлик майдонга сув қўяди. Қондириб суғорганн учун қўшимча ҳақ олади. Бу ерда ҳар бир иш қўнгилдагидай бажарилгани учун уларнинг даласига икки марта сифат белгиси берилди. Аммо, жонсарак одамлар тиниб-тинчишни билишмайди. Бектош ака қайта-қайта пахта пайкаллари айланади. Яқиндаги воқеани эслайди. Бригадага атоқли раҳбар, партия ходими келди. Гуркираб турган ғўзани кўриб мамнун бўлди.

— Раҳмат сизларга, шундай огир шароитда ҳам ғўзани ўнглаб серҳосил қилиб олибсиз. Энди бу ерлардан 40 центнердан ҳосил олса бўлади, — кузда яна келамиз, — деди.

Бектош ака, бригада аъзоларининг руҳи кўтаринки эди, ғайрат-шижоат билан ишлашарди. Бригадир эса «кузда яна уятли бўлиб қолмайлик» деган андишада.

Қотмадан келган, ўрта бўй, қорачагина, қўллари қадоқ бу одам ҳақида ёзарканман, кўз ўнгимда унинг мамнун кулиб турган чеҳраси гавдаланарди.

У 30 йилдан буён пахтадан муттасил юқори ҳосил олиб келмоқда. Шу касбикори туфайли элатининг иззат икромига сазовор бўлди. Республика қишлоқ хўжалиги министрлиги таъсис этган «Пахта устаси» кўкрак нишони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг фахрий ёрлиқлари, бир неча медаллар, ҳаммаси унинг касбига бўлган меҳр-муҳаббатидан эмасми, ахир!

Бектош ака Оқбердиевнинг даласидан узоқлашмоқдамиз. Пахтаэор серфаиз. Ана бригаданинг Дилбар Сулаймонова, Аширбў Тоирова, Тожибу Каримова сингари чеварлари, эгат оралаб юришибди. Ҳар туп ғўзани кўздан кечиришмоқда. Хирмонингизга барака, азиз пахтакорлар!

Ф. УСМОНОВА.

А. П. КИРИЛЕНКО МАГНИТОГОРСККА КЕЛДИ

МАГНИТОГОРСК, 28 август (ТАСС). КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бугун бу ерга келди. У Магнитогорск шаҳрига Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда қатнашади.

Аэропортда А. П. Кириленкони КПСС Челябинск область комитетининг биринчи секретари М. Г. Воропаев, область ижроия комитетининг раиси Е. Ф. Куракин, Магнитогорск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари П. С. Гришченко, шаҳар ижроия комитетининг раиси А. М. Панков кутиб олдилар.

А. П. Кириленко шу куниёқ Магнитогорсклаги В. И. Ленин номли металлургия комбинатида бўлди. У Магнит тоғидаги руда конини, мартен ва прокат цехларини кўздан кечирди, металл маҳсулотини ишлаб чиқариш билан танишди. А. П. Кириленко цехларнинг раҳбарлари, мутахассислар ва ишчилар билан суҳбат вақтида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

«КОСМОС—1125» УЧИРИЛДИ

1979 йил 28 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1125» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазо тадқиқотларини давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация—ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН 27 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

РАЙОНЛАР	Дағал озуқа: Тошириқ	Дағал озуқа: баҳаридиш	Баҳаридиш процента	Шу жумладан хашак: процент ҳисобида	Шу жумладан сенаж: процент ҳисобида	Ўт ўни тайёрлаш процент ҳисобида
Калинин	50400	46300	92	88	107	92
Оҳангарон	101700	76600	75	55	96	20
Бўстонлиқ	62000	46500	75	65	101	55
Оққўрғон	53900	40200	74	70	102	73
Тошкент	41800	31100	74	58	91	77
Чиноз	75100	55000	73	64	103	55
Пискент	47100	31700	73	38	100	79
Бўка	55500	39700	72	66	100	67
Ғалаба	78800	55200	70	77	102	88
Оржоникидзе	44000	30900	69	43	100	72
Коммунистик	95800	64200	67	60	100	43
Бекобод	72400	47600	66	43	109	71
Янгийўл	53900	34300	64	43	100	55
Ўрта Чирчиқ	67600	42200	62	41	102	71
Область бўйича:	900000	641500	71	58	101	62

ПАРВАРИШНИ БЎШАШТИРМАЙ ТЕРИМГА ШАЙЛАНАЯПМИЗ

Бригадамиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар майдондан 55 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити бу ҳаҳдимизни бўшаштиргани йўқ. Биз бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, ғўзанинг ривожланишдан орқада қолишига барҳам бериш чораларини кўрдик. Бунинг учун ғўзани культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилди.

Бригадамиз механизатори Саидакбар Маменов ҳозир ғўза қатор ораларига еттинчи ишлов бериши бошлаб юборди. У культивация сифатига алоҳида эътибор берялти. Дала гвардиячимиз ғўза тупларига, улардаги ҳосил нишоналарига шикаст етказмаслик учун культиваторга ҳимоя тўсиқлари ўрнатган.

Айни кунларда ҳам миришкор сувчиларимиз Ҳабибулла Жаҳонгиров, Омон Саймирзаев, Аблували Абдуҳонов, Абдуқаюм Саидовлар пахта далаларига обиҳаёт тараётирлар. Улар ғўзани бешинчи суғоришни давом эттирмоқдалар. Бригадамиз аъзолари ғўза парваришини ҳосил етилгунга қадар давом эттиришга қарор қилганлар. Шу билан бирга биз ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўраётирмиз. Пахтакорларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарорига жавобан бу йил етиштирилаётган ялпи ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғини машиналарда териб олишни белгиладилар.

Машина теримига ҳамма парсани шай қилиб қўймоқдамиз. Бригадамизга бириктирилган иккита пахта териш машинаси барвақт ремонтдан чиқарилиб, ишга тахт қилинган. Шунингдек транспорт тракторлари ва тележкалар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Пахтакорларимиз ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш чораларини кўраётирлар. Биз пахта далаларимизни яна бир марта айланиб чиқиб, пайкалларда бирор туп бетона ўт бўлмаслиги чораларини кўрдик. Ғўза чеканкаси ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги туфайли ғўзалар машина теримига мос ҳолда ривожланмоқда. Тош-тарози хўжалиги, хирмонлар ҳам янги мавсумга тайёрлаб қўйилди.

Бригадамизда барча майдонлардаги ғўзани дефолиация қилиш фақат трактор аппаратлари билан ўтказилади. Бунинг учун етарлигича ОВХ-14 пуркагичлари мавжуд. Ҳозирдан бошлаб дефолиантларни ҳам тайёрлаб қўяётирмиз.

Пахтакорларимизнинг эрта баҳордан тиним билмай қилаётган фидокорона меҳнатлари туфайли далаларимизда юксак мажбуриятга яраша мўл «оқ олтин» етиштирилмоқда. Эндиги вазифа бу ҳосилни қисқа муддатда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборатдир. Шунинг учун биз ғўза парваришини бўшаштирмаган ҳолда пахта теримини ҳар тарафлама шайланиб кутиб олиш учун курашмоқдамиз.

Т. ҚОСИМОВА.

Ғалаба районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети аъзолик ва жамоат арбоби, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Константин Михайлович Симонов узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1979 йил 28 август куни 64 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

КОЛОННАМИЗ коллективи Тошкент райони хўжаликларида бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Колхоз ва совхозларда янги-янги хўжалик бинолари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилишига ўзининг хиссасини қўшяпти. Бунёдкорлик касби билан чексиз фахрланаётган коллективимиз зиммасидаги шарафли ва масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш учун барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Кенг кўламда авж олиб кетган социалистик мусобақа ютуқларимизнинг энг асосий омили бўлмоқда. Бунда иштирок этаётган бригадалар, айрим бинокорлар ўзаро меҳнат беллашувида яхши кўрсаткичларга эришиш, объектлар қурилишини тезлаштириш ва сифатини оширишга кўмаклашишни дилга мустаҳкам жо қилиб ишламоқдалар. Айни вактда қурилиш жараёнларини механизациялаш, қўл кучи меҳнати сарфини камайтиришга қаратилган тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Колоннамизда ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бу иш муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Мусобақа ғолибларини аниқлашда бажарилган иш ҳажми қатори қурилиш сифати, таннархи, меҳнат интизомига риоя қилиш ва бошқа шу каби шартлар ҳам инобатга олинмоқда. Шу туфайли бинокорлар унумли ва сифатли ишлашга алоҳида эътибор беришяпти.

Мусобақанинг оммавийлиги коллектив фаолияти натижаларининг баракали бўлишига олиб келди. Капитал маблағ ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш топшириқларини ой сайин ортиқи билан адо этяпмиз. Куни кеча эса колоннамиз бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Бинокорларимиз ўнинчи беш йилликнинг тўрт йиллик планини муддатидан салкам беш ой илгари бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Коллективимизнинг бу йилги ишлари ҳам самарали бўлмоқда. План ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан адо этиляпти. Фикримнинг далили учун ўтган етти ойдаги ишимиз якунларини кўрсатмоқчиман. Шу вақт мобайнида фидокорона меҳнат қилган коллективимиз аъзолари 5 миллион 759 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу топшириқда назарда тутилганидан 150 минг сўмлик кўндир. Энг муҳим кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги ҳам тез суръатлар билан ортиб боряпти. Шу йилнинг етти ойида унинг ошиши 25,2 процентни ташкил этди. Бу сўнгги йилларда етиштирилган энг юксак натижалардан биридир.

Шу кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётган коллективимиз зафарларига қатор бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса П. Николас раҳбарлигидаги бригада аъзолари унумли ишлашди. Улар графикдагидан ўзиб меҳнат қилишяпти. Шу кунларда уларнинг меҳнат календарида келгуси йилнинг сентябрь ойи бошланган. Бизнинг бригадамиз ҳам илғорлар сафида. Топшириқларни доим зиёдаси билан адо этишяпти. Аҳил ва иноқ коллективимиз беш йиллик планини бажаришда бир йил илгари бормоқда.

Колоннамиз бунёдкорлари қўлга киритилган катта меҳнат зафарини янада мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилишяпти. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, зиммамизга оширилган мажбурият олдик. Ангрен меҳнаткашларининг ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили ҳар бир кунида зарбдор меҳнат қилайлик, деб бошлаган ташаббусига яқдиллик билан қўшилиб, янги марраларни белгиладик. Биз йил охиригача қўшимча яна 626 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга аҳд қилдик. Ўнинчи беш йиллик планини эса тўрт ярим йилда бажармоқчимиз. Коллективимиз барча бинокорларнинг фикри-зикри ана шу юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга қаратилган.

К. ВАГНЕР,
Тошкент районидаги 24-ихтисослашган кўчма механизация колоннаси бригадири.

Рух заводи коллективи Ленин орденли Олмалиқ кон-металлўргия комбинати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиблик қилмоқда. Ишчилар йил бошидан бери биринчи ўринни эгаллаб келишяпти. Яқинда корхонага коммунистик меҳнат заводи деган шарафли ном берилди. Суратда: коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётган илғор бригадааъзолари — куйдирувчи В. Ширяев (чапдан), печкачи Н. Черишев, мастер В. Денисенко, кран машинисти Л. Ройтман, слесарь В. Ким ва оператор Г. Хабневлар.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР УЧАСТКА

ВУ участка корхонада илғорлар қаторидан ўрин олганига кўп вақт бўлгани йўқ. Эътиборга сазовор жойи ҳам ҳудди шунда — қолоқликдан илғорликка чиқиб олишда. Участка коллективининг муваффақияти бутун цех ишлаб чиқариш планларини муддатида бажарилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хом ашёни захарлаш-пайвандлаш участкаси коллективи зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Улар буюмга — идиш-товоқларга арматурани пайвандлайдилар, сўнг кислота билан захарлаб, сирлаш учун тайёр қилиб берадилар. Кўриниб турибдики, барча маҳсулот ишлов технологияси жараёнида уларнинг қўлидан ўтади. Маҳсулот сифати ҳам кўп жиҳатдан бу участка ишчиларининг малака ва маҳоратига, виждонан ишлашига боғлиқ. Коллектив ҳар бир аъзосининг ўз вазифасига масъулиятини ошириш, мавжуд учта «Силезия» машиналаридан самарали фойдаланишга эришиш натижасида май ойида дастлабки марта планни ошириб бажардилар.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ҳузуридаги сирланган идишлар ишлаб чиқариш корхонасида мастер Светлана Ли бошлиқ бу бригада ҳамон илғорлар сафида боряпти.

Х. АЛИМОВ.

ЯНА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!

28 август куни пойтахтда ниҳоясига етган XI Москва Халқаро кино фестивали жаҳон тараққийпарвар кинематографияси ютуқларининг кўриги бўлди. «Кино санъатининг инсонпарварлиги учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун!» деган олижаноб даъват шиор қилиб олинган бу анжуманга беш қитъанинг юздан ортиқ мамлакатидан вакиллар келди.

Конкурслар жюриларининг раислари Станислав Ростоцкий, Анатолий Алексин ва Александр Згуриди ғолибларнинг номларини атаб, фестиваль мукофотларини топширди.

ТЎЛА метражли бадиий фильмлар конкурсининг жюриси Сергей Эйзенштейн, Эдуард Тиссэ ва Григорий Александровлар яратган «Ялпасин Мексика!» фильмига фахрий олтин соврин берди. Бу фильм жаҳон кино санъатининг ривожига жуда катта ҳисса қўшганлиги учун мукофот билан тақдирланди.

«Христос Эболида тўхтади» (режиссёр Франческо Рози, Италия), «Январнинг етти куни» (режиссёр Хуан Антонио Бардем, Испания), «Кино хаваскор» (режиссёр Кшиштоф Кешлевский, ПХР) фильмлари олтин совринларга сазовор бўлди.

«Тўсиқ» (режиссёр Христо Христов, БХР), «Парашурам» (режиссер Мринал Сен, Ҳиндистон), «Парвоз» (режиссер Савва Кулиш, СССР) картиналари кумуш совринлар билан тақдирланди.

Аёллар ролини энг яхши ижро этганлиги учун Дейзи Гранадос («Терезанинг сурати» (Куба), Ясмине Хлат («Нахля», Жазоир) мукофотландилар. Ульбрих Тайн («Сеҳргар антон», ГДР) билан Велимир Бата Живойнович («Момент», ЮФСР) эркаклар ролининг энг яхши ижрочилари деб топилдилар.

«Фақат олға!» лентасига жюрининг махсус дипломи берилди (режиссёри Лонг Ван, ВСР).

Болалар учун фильмлар конкурсининг жюриси СССР режиссери Владимир Грамматиковнинг «Рояль узра сакрарди кучук» фильмига олтин соврин берди. «Тароаждарнинг ўғли» (режиссер Кирило Ураяма, Япония), «Сўнгги пойга» (режиссер Йован Ранчич, ЮФСР), «Гугурт қутисидаги лаҳзалар» (режиссер Марианна Евстатиева, БХР) картиналари кумуш совринлар билан мукофотланди.

Қисқа метражли фильмлар конкурсининг жюриси «Никарагуа: озодлик ёки ўлим» (Коста-Рика) ва «Юз йил давом этиши мумкин бўлган иллат завол топди» (Колумбия) картиналарига иккита олтин соврин берди. «Енгилмас ёзув» (ЧССР), «Барибир, у айланаверади» (Яман Халқ Демократик Республикаси) ва «Мишель пеллюс» (Канада), «Фаластинликлар, яшаш ҳуқуқи» (СССР) фильмлари кумуш совринларга сазовор бўлди.

Айни вақтда жюри совет ҳужжатли кино режиссери Роман Карменнинг «Улуг Ватан уруши» кино эпопеясидан фестивалда конкурсдан ташқари кўрсатилган «Номаълум солдат» фильмининг жуда катта фазилатларини таъкидлаб ўтди.

Фестиваль ташкилот комитетининг раиси, СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш Совет кинематографиясининг 60 йиллиги шарафига жаҳон кино санъатини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган чет эл кинематографиячилари учун махсус фахрий соврин таъсис этилганлигини маълум қилди.

Биз, деди фестиваль ташкилот комитетининг раиси, чуқур миннатдорчилик туйғуси билан қайд этамизки, бу гаҳи кўрик дўстлик ва амалий ҳамкорлик руҳида ўтди.

Фестивал ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи гимни тантанали янгради.

Москва диёрида яна учрашгунча, хайр!

Л. БЕРНАСКОНИ,
Е. ХОРЕВА,
И. ВЕКСЛЕР,
ТАСС мухбирлари.

ЮМАЛОҚ СТОЛ АТРОФИДА

КПСС ва Совет давлатининг жаҳонда тинчлик, халқаро вазиятни соғломлаштириш, ялпи қуролсизланишга эришиш йўлидаги изчил курраши миллион-миллион халқларнинг меҳри-муҳаббати ва таҳсинига сазовор бўлмоқда.

АҚШ ва у бошлиқ империалистик давлатлардаги реакция кучларининг ярамас кирдикорлари натижасида эса дунёнинг айрим районларида уруш учоқлари бутунлай йўқолганича йўқ. Африка, Латин Америкаси ва Осиёдаги кескин вазиятларда Хитой авантюристларининг ҳам ифлос қўли бор.

Бўстонлиқ районидаги Ғазалкент шаҳар Советлар уйи биносида ўтказилган учрашув халқаро ҳаётнинг ана шу актуал проблемаларига бағишланди. Ўзбекистон КП Тошкент область комитети лекторлар группасининг бошлиғи, техника фанлари кандидати С. Ризаев ўз нутқини Совет — Америка муносабатлари, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш бўйича имзоланган Шартнома аҳамиятини шарҳлаб беришга бағишлади.

Тарих фанлари кандидати В. Кноповнинг «Хитой раҳбарларининг авантюристик сиёсати жаҳонга ҳавф-хатар солмоқда» мавзуидаги суҳбати тингловчиларда яхши тассурот қолдирди. Кампучия, Бирма, Вьетнам, Лаос мамлакатларининг ички ишларига қурол кучи билан шармандаларча аралашаётган пекинлик ҳукмдорларнинг найранг ва туҳматлари факт ва рақамларда фош этилди.

Тошкент область партия комитети лектори К. Тен томонидан «Яқин Шарқдаги ҳозириги сиёсий вазият», «Сионизм — тинчлик душмани», «НАТО — халқлар ҳавфсизлиги душмани» темаларида ўтказган суҳбатлари ҳам мароқли бўлди.

Учрашув қатнашчилари халқаро аҳволнинг кўпгина долзарб масалалари бўйича лекторларга талай саволлар бердилар ва атрофлича жавоб олдилар. Маҳаллий лекторлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар Союзининг аъзоси А. Раҳимбердиев ва ёш лектор М. Раҳматбоевларнинг чиқиши ҳам тингловчилар эътиборини козонди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ташаббуси билан халқаро мавзуда ўтказилаётган бундай қизиқарли тадбирлар меҳнаткаш омма орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳ. САБУРОВ,
Тошкент область «Билим» жамияти правлениесининг референти.

СТУДЕНТЛАР ҲИММАТИ

Тошкент Давлат медицина институтида турли йўналишдаги студент-қурилиш отрядлари тузилган. Жумладан, Т. Инағомжонов бошлиқ «Заря» отряди Пискент шаҳрида 6-қурилиш трести ишчилари қатори Акмал Икромов номли мактаб қурилишида жонкуярлик билан меҳнат қилди.

«Авангард» ва «Вперёд», отрядлари бунёдкорларининг иши мақтовга сазовордир. Улар институт янги корпусини қад кўтаришда «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш участкасида тер тўкишди. Бу икки отряд аъзолари 80 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини амалга оширишди.

Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз 3-бўлими ишчилари «Сабзавот» отряди аъзоларидан мамнун бўлишди. Далаларидаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда улар хўжалик ишчиларига яқиндан ёрдам беришди.

Студент-қурилиш отрядлари республикамизнинг турли қурилиш объектларида ишлаш билан бирга Иваново областида ҳам самарали меҳнат қилишди.

Г. ХУСАНБОЕВА.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

Республикамиз пойтахтида янги-янги ҳашаматли бинолар тобора қад кўтармоқда. Ушбу суратда Богдан Хмельницкий кўчасида қурилган янги маъмурий бинони кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.



В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг энг яхши пўлат эритувчиларидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат М. Ёдгоров (чапда) ва Бекобод шаҳар партия комитети бюроси аъзоси Р. Нуржаевлар номини корхона ишчи-хизматчилари зўр ҳурмат-эътибор билан тилга оладилар. Моҳир пўлат эритувчилар бригадалари ўзаро мусобақадош. Бу йил Р. Нуржаев ишлаётган бригада олдинда бормоқда. Бу коллектив йил бошидан бери пландагидан ташқари 1289 тонна пўлат эритди.

В. Молгачев фотоси.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Навқирон йигит ва қизларга меҳнат тарбияси бериш, уларни билимдон ва фойдали касб эгалари қилиб вояга етказиш муҳим социал вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ҳунар-техника таълимини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Ўтган ўқув йилида областимиз ҳунар-техника билим юртларида ҳам ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Бу тажрибаларни умумлаштириш ва навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида область ҳунар-техника билим юртлари ходимлари яқинда ўзларининг VII педагогик конференцияларига тўпландилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев «КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида ҳунар-техника таълими органлари ва ўқув юртларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Ёшларни идеологик, сиёсий, ахлоқий руҳда тарбиялашда билим юртлари алоҳида ўрин тутади,— дейди докладчи.—Ана шу муҳим қарорни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Эндиликда кадрлар ўчоқларида ёшларга касб ўргатиш билан бирга уларда юксак онгликни қарор топтириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Билим юртларида турли тўгараклар ишлаб турибди. Ёшларнинг назарий билимларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган семинарлар қизиқарли ўтмоқда.

Ўтган ўқув йилида область ҳунар-техника билим юртлари 15769 ёш ишчига йўлланма берди. Шулардан 5 мингга яқин ёш мутахассис қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш учун колхоз ва совхозларга юборилди.

Ҳозир билим ўчоқларида 360 та ўқув кабинети, 80 та устахона ва 50 та лаборатория ишлаб турибди. Бўлажак касб эгалари билан 60 дан ортиқ ихтисослик бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Инженер-педагог кадрлар сони 1600 кишини ташкил этади. Булар орасида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, СССР ҳунар-техника таълими аълочиси ва Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими аълочиси деган фахрли ном эгалари анчагина.

Ёшларга ҳам билим, ҳам ҳунар ўргатаётган илғор педагогик коллективлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Чирчиқдаги 12-шаҳар ҳунар-техника билим юрти (директори Н. Латипов), Оржоникидзе районидаги 21-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти (директори М. Арслонов) ва бошқа кадрлар ўчоқларида ўқитишнинг амалиёт билан мустаҳкам боғланиши йўлида дастлабки бой тажрибалар тўпланди.

ОБЛАСТЬ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ VII ПЕДАГОГИК КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Олмалиқдаги 126-шаҳар ҳунар-техника билим юрти, Чиноз районидаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти таълим-тарбия ишларини намунали ташкил этаётганлиги учун дипломлар билан тақдирландилар. Шунингдек, «Энг яхши касб эгаси» бўйича ўтказилган конкурсда кўпгина педагогик коллективлар ғолиб чиқдилар. Янгийўл шаҳридаги 18-, Янгиобод шаҳридаги 174-, Бўка районидаги 87-, Янгийўл районидаги 32-, Ғалаба районидаги 159- ва бошқа билим юртлари ўқувчиларидан бир неча киши ана шу ном эгаси бўлди.

Ленин комсомолининг шонли 60 йиллиги муносабати билан «Сен комсомол билети, бизни жасоратга чорлайсан» деган мавзуда ўтказилган инша кўриги ҳам сиёсий чиниқиш мактаби бўлиб хизмат қилди. Бунда, айниқса 174- ва 43-билим юртлари аълочи ўқувчилари ўз билимларини аъло даражада намойиш қилдилар.

Бугунги кунда намунали жиҳозланган ўқув кабинетлари бўлажак касб эгаларининг чинакам дарсхонасига айланган. Энг яхши ўқув кабинети бўйича ўтказилган кўрикда 3, 12, 13, 18, 41, 50, 99 каби билим юртлари фахрли ўринларни эгалладилар.

Конференция қатнашчилари область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи О. М. Мусаевнинг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими системаси ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори ҳамда ишчи-кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ҳақидаги докладни ҳам тингладилар.

Анъанавий август конференциясида Ангрен шаҳридаги 150-билим юрти директорининг ўқув ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Л. Зборовская, Оржоникидзе районидаги 21-билим юрти ишлаб чиқариш мастери Ф. Тожибоева, Ангрен шаҳридаги 17-билим юрти партия ташкилотининг секретари А. Лукошенко, Чирчиқдаги 12-билим юртининг директори Н. Латипов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзлари ишлаб турган даргоҳларда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш соҳасида тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

Конференция қатнашчилари Чирчиқда бўлиб, бу социалистик шаҳардаги ҳунар-техника билим юртлари ишлари билан танишдилар.

Конференцияда область ҳунар-техника билим юртлари педагогик коллективларига қарата Мурожаат қабул қилинди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

ҚЎРИҚ ЕРДА РЕКОРД ҲОСИЛ

«ҚИРҚҚИЗОБОД» колхозининг Баҳодир Самандаров бошлиқ комсомол — ёшлар бригадаси қўриқдаги Элликқалъа районида маккажўхоридан рекорд ҳосил етиштирди. Бу ерда гектар бошига 120 центнердан дон олинмоқда.

Ўрим-йиғим — транспорт комплекслари, Элликқалъадаги ўн саккизта комсомол-ёшлар бригадаси далаларга чиқишди. Бу бригадалар қариб икки минг гектар майдондан 7,8 минг тонна «қаҳрабо дон» йиғиштириб олишни, траншеяларга ўттиз минг тоннадан зиёд силос бостиришни мўлжалламоқдалар.

НУКУС.

У ҚАҲРАМОНДАН ЎРГАНДИ

БУХОРО тўқимачилик комбинатининг ишчиси ёш тўқувчи Зайнаб Тоҳирова шаҳсий беш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Ёш ишчи нормада белгиланган 16 станок ўрнига 24 станокда тўрт йилдан буён ишламоқда ва топшириқдагига нисбатан қариб икки баравар кўп газлама тўқиб чиқармоқда.

Зайнаб мамлакатнинг энг яхши тўқувчилари корхонада маҳорат дарсини ўтказганларидан кейин иш нормасини муттасил ошириб бажарадиган бўлди. Тошкент тўқимачилик комбинатидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Казанцеванинг иш методи унга айниқса маъзур бўлди. Лидия Павловна станоклар ёнида ёш ишчиқизлар билан бирга ишлади, уларни ҳар бир ишда секунд ва минутларни тежашга ўргатди. Унинг маслаҳатига мувофиқ Зайнаб ипнинг узилишини тугатиш усулини ўрганиб олди. Бу эса топшириқни икки баравар тезроқ бажариш имконини беради. Л. П. Казанцева сингари ишга олдинроқ келишга одатланиб қолди. У смена олдидан станокларни текшириб чиқадиган бўлди, ҳом ашё запаси ҳақида ўйлайдиган бўлди. Кичик нуқсонларни энди унинг ўзи бартараф қиладиган бўлиб қолди.

Мана ҳозир комсомол аъзоси Тоҳирова шаҳсий беш йиллик планини бажариб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача яна бир йиллик нормани адо этиш юзасидан янги мажбурият қабул қилди.

ОИЛАВИЙ АНЪАНАГА САДОҚАТ

КОН мастери Ҳамроқул Ҳурсанов сменаси «Шаргунская» шахтасида куни кеча нишонланган шахтёрлар куни шарафига ўтказилаётган мусобақада энг юқори кўрсаткичларга эришди. Кончилар кўмир қазиб чиқариш саккиз ойлик планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида ўзларининг профессионал байрамлари арафасида рапорт бердилар.

Илгор смена раҳбарини унинг отаси — доғдор кончи Парда Ҳурсанов биринчилар қаторида қутлади. У қирқ йилча муқаддам йигит чоғида ўз отаси билан бирга ликда Бойсун қишлоғидан Ҳисор тоғларида жойлашган ана шу шахта қурилишига келган эди. Шоргуи кўмир қатламларига йўл қазиганлар, ёқилғининг дастлабки туркумини қазиб чиқарганлар орасида Ҳурсановлар ҳам бор эди. Парда ака шахтада энг яхши бўлган проходкачилар бригадасига кўп йиллар давомида бошчилик қилди. Шавкатли меҳнати учун у Ленин ордени билан «Шахтёрлик шуҳрати» нишони билан мукофотланди. Энди у шахтёрлар касаба союзи комитетининг раиси.

Ҳамроқул оилавий анъанани муносиб давом эттирмоқда. Мактабни тамомлаб чиққанидан кейин бир йил шахта гаражида ишлади, сўнгра Тошкент политехника институтининг кончилик факультетини битириб, жонажон Шоргўига қайтиб келди. Х. Ҳурсанов сменаларнинг энг ёш раҳбарларидан бири. Аммо шунга қарамай у тажрибали мастерлардан қолишмайди. У бошчилик қилаётган коллектив беш йиллиқнинг тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун зўр ғайрат билан курашмоқда.

Сурхондарё области.
(ЎзТАГ).

ЎРИМ СУСТКАШЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

ГЕКТАРИДАН 100 ЦЕНТНЕР «ҚАҲРАБО ДОН» УЧУН

Ҳозирги кунларда «қаҳрабо дон» ижодкорлари учун ҳам энг масъулиятли палла: ҳосил ўрим-йиғими ҳал қилувчи босқичга кирди. Тадбиркор маккажўхорикорлар ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда несконбуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун техника воситаларидан унумли фойдаланмоқдалар. Шу туфайли Оққўрғон районидаги «Оқкўрғон» совхозининг Т. Қосимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи маккажўхори донини беш кун ичида ўриб-йиғиб олди. Бригада коллективи 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 105 центнердан дон хирмони кўтарди. Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг С. Искандаров етакчилик қилаётган бригадаси азаматлари ҳам ўрим-йиғимни жадал суръатларда олиб бораётирлар. Еш комбайнчилардан А. Сулаймонов ва С. Шариповлар кунига 4—5 гектар ердаги ҳосилни йиғиштириб олаётирлар.

Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» совхози маккажўхорикорлари бу йил 90 гектар майдонда маккажўхори етиштирмоқдалар. Улар «қаҳрабо дон» ҳосилдорлигини гектар бошига 105 центнерга етказишга қарор қилганлар. С. Қурбонов бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси коллективи бир неча кун ичида 75 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олди.

Шу совхознинг Ж. Баратов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари эса ўрим-йиғимни ипатовликлар усулида ташкил этганлар. Бригада маккажўхоризорларида учта комбайн юксак унум билан ишлаб турибди. Яна битта комбайн эса созланган ҳолда ишга тахт турибди. Агар даладаги комбайнлардан бири ишдан чиқса, у дарҳол резервдаги агрегат билан алмаштирилади. Ишнинг бу илғор усулда ташкил этилиши туфайли ўрим-йиғим суръати жадал бўлмоқда.

Маккажўхори дони йиғиштириб олишда Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Э. Шукуров бошлиқ бригадаси аъзолари айниқса шижоат кўрсатдилар. Улар ҳосилни атиги 2 иш кунида йиғиштириб олдилар, ҳар гектар майдондан 106 центнердан «қаҳрабо дон» хирмони кўтардилар. Шунингдек, Чиноз районидаги К. Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар, «Партия XXIV съезди» совхози, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида ҳам маккажўхори ўрим-йиғими пухта ташкил этилган.

Бироқ, барча районларда ҳам маккажўхори ўрим-йиғими шундай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Пискент районида бу йил 1172 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирилмоқда. Районда маккажўхори ўрим-йиғимига ҳам киришилган. Ҳозиргача 180 гектарга яқин майдондаги «қаҳрабо дон» ҳосили тўла йиғиштириб олинди. Хўжаликларда маккажўхори дони йиғиштириб олиш учун 35 та комбайн жалб этилган. Маккажўхори дони ўрим-йиғими Ленин номли, «Гулистон», ва 1-«Пискент» совхозларида бир мунча дуруст кетмоқда.

Биз 1-«Пискент» совхозида бўлганимизда маккажўхори ўрим-йиғими авжига чиққанлигининг гувоҳи бўлдик. Совхознинг А. Ризмонов бошлиқ бригадаси маккажўхоризорларида учта комбайн ишлаб турибди. Бу ерда ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилган эди. Комбайнлар бири ишдан чиқса, у дарҳол резервдаги агрегат билан алмаштирилади. Ишнинг бу илғор усулда ташкил этилиши туфайли ўрим-йиғим суръати жадал бўлмоқда.

Маккажўхори дони йиғиштириб олишда Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Э. Шукуров бошлиқ бригадаси аъзолари айниқса шижоат кўрсатдилар. Улар ҳосилни атиги 2 иш кунида йиғиштириб олдилар, ҳар гектар майдондан 106 центнердан «қаҳрабо дон» хирмони кўтардилар. Шунингдек, Чиноз районидаги К. Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар, «Партия XXIV съезди» совхози, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида ҳам маккажўхори ўрим-йиғими пухта ташкил этилган.

Бироқ, барча районларда ҳам маккажўхори ўрим-йиғими шундай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Пискент районида бу йил 1172 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирилмоқда. Районда маккажўхори ўрим-йиғимига ҳам киришилган. Ҳозиргача 180 гектарга яқин майдондаги «қаҳрабо дон» ҳосили тўла йиғиштириб олинди. Хўжаликларда маккажўхори дони йиғиштириб олиш учун 35 та комбайн жалб этилган. Маккажўхори дони ўрим-йиғими Ленин номли, «Гулистон», ва 1-«Пискент» совхозларида бир мунча дуруст кетмоқда.

Биз 1-«Пискент» совхозида бўлганимизда маккажўхори ўрим-йиғими авжига чиққанлигининг гувоҳи бўлдик. Совхознинг А. Ризмонов бошлиқ бригадаси маккажўхоризорларида учта комбайн ишлаб турибди. Яна битта комбайн эса созланган ҳолда ишга тахт турибди. Агар даладаги комбайнлардан бири ишдан чиқса, у дарҳол резервдаги агрегат билан алмаштирилади. Ишнинг бу илғор усулда ташкил этилиши туфайли ўрим-йиғим суръати жадал бўлмоқда.

Маккажўхори дони йиғиштириб олишда Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Э. Шукуров бошлиқ бригадаси аъзолари айниқса шижоат кўрсатдилар. Улар ҳосилни атиги 2 иш кунида йиғиштириб олдилар, ҳар гектар майдондан 106 центнердан «қаҳрабо дон» хирмони кўтардилар. Шунингдек, Чиноз районидаги К. Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар, «Партия XXIV съезди» совхози, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида ҳам маккажўхори ўрим-йиғими пухта ташкил этилган.

Бироқ, барча районларда ҳам маккажўхори ўрим-йиғими шундай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Пискент районида бу йил 1172 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирилмоқда. Районда маккажўхори ўрим-йиғимига ҳам киришилган. Ҳозиргача 180 гектарга яқин майдондаги «қаҳрабо дон» ҳосили тўла йиғиштириб олинди. Хўжаликларда маккажўхори дони йиғиштириб олиш учун 35 та комбайн жалб этилган. Маккажўхори дони ўрим-йиғими Ленин номли, «Гулистон», ва 1-«Пискент» совхозларида бир мунча дуруст кетмоқда.

Биз 1-«Пискент» совхозида бўлганимизда маккажўхори ўрим-йиғими авжига чиққанлигининг гувоҳи бўлдик. Совхознинг А. Ризмонов бошлиқ бригадаси маккажўхоризорларида учта комбайн ишлаб турибди. Бу нигда 8—10 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олмоқдалар. Аммо бригадада ўрим-йиғим сифатига етарлича эътибор берилмаяпти. «Херсонец-7» комбайнлари ишлаётган далада қайтиш жойлари яхши тайёрланмаган. Оқибатда ҳозир ҳосилнинг маълум қисми нобуд бўлмоқда.

Худди шундай аҳволга райондаги Тельман номли колхозда ҳам дуч келдик. Хўжаликнинг Ж. Гофуров бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 75 гектар майдонда дон учун маккажўхори етиштирганлар. Ҳосил чакки эмас. Лекин уни ўриб-йиғиб олиш суръатлари жуда паст. Чунки бу ишга етарлича техника воситалари ва ишчи кучи жалб этилмаган.

— Яқин кунларда маккажўхори ўрим-йиғимига яна битта комбайн жалб этамиз, — дейди колхоз раиси Т. Норматов буни изоҳлаб экан. — Ўшанда суръат анча ошади.

Бироқ қимматли фурсатлар қўлдан бой бериляпти. Бунинг устига ушбу хўжаликда ҳам комбайнлар қайтиш жойлари сифатли тайёрланмаган. Бу ҳозирги кунларда ҳосилни йўқотишга олиб келиши билан биргаликда техника воситаларини ҳам ишдан чиқармоқда. Шундоққина кўз ўнгимизда «Херсонец-7» комбайнларидан бири қайтиш жойига келганда бузилиб қолди. Бу маккажўхори ўрим-йиғимини яна бир неча кунга сурилиб кетишига олиб келиши аён.

Шуниси ачинарлики, маккажўхоризорларда энг қизғин иш кетаётган ҳозирги пайтда комбайнлар ва бошқа техника воситаларига техника хизмати кўрсатиш дуруст йўлга қўйилмаган. Биз кўпгина хўжаликларда маккажўхоризорларда тўхтаб турган комбайнларга дуч келдик. Аммо кўчма устахоналар хизмати яхши ташкил этилмаганлиги сабабли техника бир неча кунлаб далада бекор туриб қолмоқда. «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари эса бундай устахоналарни ташкил этиш, техника воситаларига етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар етказиб бериш чораларини кўрмаётирлар. Масалан, Чиноз районидаги «Москва» колхозида иккита «Херсонец-7» комбайни бор. Бироқ маккажўхорикорлар ҳозир сўталарни қўлда қайиришга мажбур бўлмоқдалар. Чунки бу комбайнлар учун эҳтиёт қисмлари топилмади. Райондаги «Қизил Октябрь» колхозида ҳам ўрим-йиғим айни авж олган кунларда иккита комбайн қантариб қўйилган. Бундай нуқсонлар Оҳангарон, Калинин, Галаба, Орджоникидзе районларида ҳам учраб турибди.

Маккажўхорикорлар етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун зўр ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Шундай экан уларга хизмат кўрсатиш ҳам яхшиланиши зарур. Бу соҳада Оҳангарон районидаги «Галлақудуқ» ва Куйбишев номли совхозларда маккажўхорикорларга кўрсатилаётган маданий хизмат диққатга сазовордир. Район маданият уйининг вокал-чолғу ансамбли дала меҳнаткашларига бевосита маккажўхоризорда мароқли концертлар қўйиб бермоқдалар. Лекин кўпгина районларда маккажўхорикор ва механизаторларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шу кунинг талаби даражасида эмас.

«Дала маликаси» шайдолари бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирдилар. Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилдаги «қаҳрабо дон» хирмони юксак бўлиши учун ҳосил ўрим-йиғимини ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказиш зарур. Чунки, ҳосил қанча эрта йиғиштириб олинса, бу далаларга такрор озуқа экини шунча тез экилиб, чорва моллари учун қўшимча миқдорда ем-хашак етиштирилади. Шунинг учун ўрим-йиғим суръатини янада жадаллаштириш чораларини кўриш керак.

Р. РУСТАМБЕКОВ,
қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси сифат бўлимининг ходими.
С. АЖИБЕКОВ,
область комсомол комитетининг инструктори.
М. МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ РЕЙДИ

Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозида сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи К. Назарбеков ва тракторчи Ж. Есенбоев ўртоқлар помидорларни машинага юкламоқдалар.

И. Портнов фотоси.

ТЎКИН ДАСТУРХОН

Боғ ва токзорлар орасидан ўтган йўлдан борар экансиз, сархил мева ва узум ортилган юк машиналари, транспорт тракторларига тез-тез дуч келасиз. Уларни бошқариб бораётган ҳайдовчи ва механизаторлар соҳибкорлар туҳфасини тезроқ эл дастурхонига тортиқ қилиш учун ошиқадилар. Мана, биз бир гуруҳ боғбонлар олма тераётган жой яқинида тўхтадик.

— Азаматлар ҳозир давлатга мажбуриятлари ҳисобига мева топширяпсизлар, — дейди Усмон Юсупов номли ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси 4-бўлимининг бошқарувчиси Сайфиддин Абдураимов.— Ҳали боғларда мева кўп. Улар планга қўшимча равишда яна 40 тонна мева топширишга сўз бердилар. Ваъдаларининг устидан чиқишларига ишончимиз комил.

Латиф Маҳмудов бошлиқ бу бригада боғбонлари ҳозиргача эл дастурхонига 215 тонна мева тортиқ қилдилар. Бу планда белгиланганидан 10 тонна зиёддир.

Соҳибкорлар мўл мева ҳосили етиштириш учун самарали меҳнат қилдилар. Механизаторлар С. Велилялов ва Р. Туропов мева дарахтлари орасини ўз вақтида юмшатиб турдилар, ўғитга тўйдирдилар. У. Туропов ва С. Маҳмудовлар эса боғларни қондириб суғордилар. Бригада коллективи ҳашарот ва зararкунандаларга қарши қатъий кураш олиб борди. Шу туфайли ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам бригадада юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилди.

Бўлим соҳибкорлари ҳам бирлашмада биринчи бўлиб давлатга мева топшириш йиллик планини бажардилар. Улар аҳоли дастурхонига пландаги 650 тонна ўрнига 675 тонна сархил мева тортиқ қилдилар.

— Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 1000 тонна мева топшириш мажбуриятини олганмиз,— дейди бўлим бошқарувчиси.— Шунингдек, қабул пунктларига 900 тонна узум топширишни ҳам мўлжаллаётирмиз. Ҳозирнинг ўзида савдо тармоқларига 150 тонна узум етказиб берилди.

Бўлим меҳнаткашлари мева териш ва узум узишни тобора кучайтирмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати билан эл дастурхони ноз-неъматларга тобора тўкин бўлиб бораётир.

О. ҚОЗОҚБОЕВ,
Янгийўл райони.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БИР ИҒВОГАРЛИКНИНГ ТУГАШИ

28 август куни Аэрофлотнинг «Ил-62» рейс самолёти уч суткадан кўпроқ кечикиб, Нью-Йоркдан парвоз қилди ва Москва сари йўл олди. Америка маъмурлари халқаро ҳуқуқнинг энг оддий нормаларини поймол этиб, совет самолётини, унинг 112 пассажири ва ўн бир экипаж аъзосини Кеннеди номли аэропортда 73 ярим соат тутқиндикда ушлаб турдилар.

Америка маъмурларининг пассажирлардан биротасига ёки самолёт экипажига берадиган бирон-бир саволлари бўлса улар бу саволларни учиш олдидан ўтказиладиган одатдаги расмиятлар — таможня, паспорт, иммиграцияга доир расмиятларни бажариш вақтида беришлари мумкин эди. Аммо режалаштирилган ифвогарлик сценарийси иш бошқача чиқишини кўзда тутарди. Унинг авторлари жанжал чиқариш пайида бўлиб, советларга қарши шов-шув кўтаришни мўлжалладилар. Шунинг учун ҳам полиция операцияси ҳамма пассажирлар ўз ўринларини эгаллаб, Аэрофлот самолёти зинапоядан нари кетишга тайёрлик кўраётган бир пайтда бошланди.

Хўш, қандай воқеа содир бўлди. ТАСС, телевидение, радио, совет матбуоти бу ишнинг замирида нима борлигидан жамоатчиликни муфассал хабардор қилиб турдилар. Уч сутка мобайнида АҚШ вакиллари фактларга, соғлом фикрга зид ўлароқ самолёт пассажирларидан бири, яъни СССР Большой театрининг балет артисти Л. Власова Қўшма Штатлардан «ўз хоҳиши билан» жўнаб кетмаяпти, уни «инсонпарварлик принциплари билан ҳисоблашмай» гўё «зўравонлик билан» ватанга олиб кетяяптилар, деб америкаликларни ҳарчанд ишонтиришга уриниб кўрдилар.

Америка маъмурлари мана шу ўйлаб чиқарилган, заррача ҳам асосга эга бўлмаган баҳона билан, қўйингчи Л. Власовани Ватанига қайтмасликка кўндиришни мақсад қилиб қўйдилар. Қабиҳ усуллар ишга солинди. Л. Власовага самолётнинг ўзидаёқ совет паспорти ва гражданлигини Америка паспорти ва гражданлигига алмаштиришни таклиф этишди. Булар таъсир қилмагач, Америка охранкасининг безорилари унга қурол ўқтала бошладилар. Қолган пассажирларни, шу жумладан 24 хотин-қиз ва 13 болани гаровга олиб, Л. Власовага маънавий тазйиқ кўрсатдилар.

Л. Власова мумкин қадар тезроқ ватанга, уйига қайтиш истагида эканлигини, бу қарорни у ўз эътиқодига биноан ихтиёрий равишда қабул қилганлигини Америка вакилларига, журналистларга айтди. Шунга қарамай, Американинг мансабдор шахслари бундай тушунтириш бизни «қондиролмайди» деб туриб олдилар. Улар Л. Власова полициячилар соқчилигида самолётдан чиқиб, Американинг махсус хизмати ходимлари қўлига тушиб қолиши учун ҳаракат қилдилар.

Л. Власова хусусида шуни алоҳида айтмоқ керакки у мана шу ҳийла-найранглар замирида турган қабиҳ ниятлар нималардан иборат эканлигини тез билиб олди. У шундан сал олдин ҳозирга қадар номаълум шароитларда йўқолиб қолган эри — Большой театрининг артисти А. Годунов тушган вазиятга тушиб қолишни сира ҳам истамасди. Л. Власова уларнинг ёв ҳатти-ҳаракатларига «Сурбетлик ва ваҳшийлик» деб қараётганлигини, самолёт, унинг экипажи ва пассажирлари тутқиндикдан дарҳол бўшатилишини талаб қилаётганлигини америкаликларга қатъий туриб айтаверди.

Л. Власованинг орият ва юксак гражданлик бурчидан иборат бу позициясини самолётда бўлган барча совет кишилари батамом қўллаб-қувватладилар. Улар Л. Власова қўйган талабларга қўшилдилар, Америка маъмурларининг ўзбошимчаликларига, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган таҳқирлашларга қарши якдиллик билан ғазабли норозилик билдирдилар. Бу ўзбошимчалик ва таҳқирлашлардан ҳатто болалар ҳам жафо чекди.

Қаранг, қандай истеҳзоли ҳол: муайян доиралар «озодлик» ва «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисида дам-бадам оғиз кўпиртираётган мамлакатда ҳеч бир айби бўлмаган бир группа кишиларга қарши мана шундай ҳақиқий босқинчилик қилинса бўладими? Самолёт пассажирларга нисбатан қилинган маш-маша теварагида ҳусусий кишилар эмас, балки америка расмий маъмуриятининг вакиллари шов-шув кўтардилар. Воқеаларнинг ривожи тўғрисидаги репортажлар соат сайин эфир орқали эшиттириб турилди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Америка маъмурлари Америка журналистларининг ўзини совет пассажирлари, жумладан Л. Власова ёнига йўлатмадилар. Матбуотга берилиб турилган ҳамма ҳабарлар расмий цензурадан ўтказилди. Булар у ёқда турсин, полициячилар Нью-Йорк ва Вашингтондан Америка каналлари орқали тарқатилаётган ривоятларни чиппакка чиқарувчи ҳақиқий воқеалар ёзилса, ҳар хил йўллар билан жазоламиз, деб совет журналистларига дўқ қилдилар.

Америка маъмурларининг мана шу ҳатти-ҳаракатларига қўпол ва атайлаб қилинган ифвогарлик деб Совет Иттифоқига тўғри баҳо берилди. СССР вакиллари шу ифвогарликнинг объекти бўлиб қолган совет гражданларидан ҳар бирининг манфаат ва ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя этиш ваколатига эга эдилар. Бундай равшан, принципиал позиция пировард натижада Америка маъмуриятини ўзини ўзи солиб қўйган ҳунук бир аҳволдан чиқиш йўлини излашга мажбур қилди.

Л. Власованинг американикаликлар билан кеча тунда бўлган янги учрашувида совет граждани ўзига нисбатан дўқ-пўписа тўхтатилишини ва барча совет пассажирлари ватанга дарҳол учиб кетишига имконият берилишини яна бир карра талаб қилди. Л. Власова американикаликлар ўзини ва бошқа совет кишиларини бандига айлантириб вахшиёна муомала қилганликларидан даргазаб бўлганлигини айтди. Америка вакилларидан бирининг, сиз қаерга қайтиб бораётганлигингизни биласизми, деган ифвогарона саволига Л. Власова қатъий туриб: «Биламан. Уйимга боряпман», — деб жавоб қилди.

Шундан сўнг американикаликлар бу гапни маълумот учун қабул қилиб, Аэрофлот самолётининг ўз рейси билан Москва сари учиши ўзбошимчалик билан таъқиқлаб қўйилганлигини бекор қилишдан бошқа иложи қолмади.

Мана шу рейс билан СССРга учмоқчи бўлган пассажирлардан бири, американикаликлар аёл: «Давлат департаментимизнинг қилган ишидан уятдаман», деди. Аэрофлот ваколатхонасига телефон қилган бошқа бир американикаликка «Маъмурларимиз қилаётган ишлардан газабландим», деди. Советларга қарши қилинган ифвогарликдан ғоятда ғазабланган американикаликлар кўп бўлди.

АҚШ расмий вакили самолёт учиб кетишидан олдин: «Биз Л. Власова Совет Иттифоқига ўз истагига биноан учиб кетишни хоҳлаётганлигига ишонч ҳосил қилдик», — деди. Ҳолбуки, бу галга бундан уч сутка аввалроқ ишонч ҳосил қилиш мумкин эди. Бунинг учун фактлар керагидан ҳам кўпроқ эди. Америка маъмурларига бирон нарса етишмаган экан, бу—масъулият ҳисси ва соғлом фикрдан бошқа нарса эмас.

Бугун соат 10 дан 45 минут ўтганда аэрофлот самолёти Москванинг Шереметьево аэродромига қўнди. Пассажирларни ва командир В. А. Милованов бошлиқ экипажни қариндош — уруғлари, дўстлари, ҳамкасблари самимий кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида кўпдан-кўп совет ва чет эл мухбирлари бор эди.

Нью-Йоркнинг Кеннеди номли аэропортида қилинган ифвогалик уни ташкил этганларга шубҳасиз номуносибдир, бу ишга фатво берган кишиларнинг обрўсини ҳам оширмайди.

(ТАСС).

ҒАЗНА вилоятида Апрель революцияси ва Афғонистон меҳнаткаш халқи ғалабаларини қўллаб-қувватловчи оммавий митинглар ва намойишлар бўлиб ўтди. Минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар революция зафарларини ҳимоя қилишга қатъий қарор берганликларини изҳор қилдилар. Юзлаб ёшлар кўнгилли равишда революцияни ҳимоя қилиш комитетларига кирмоқдалар. Г. Надеждин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМОҚДАЛАР

Қувайтдан берилган ҳабарга қараганда, Ғарбий Европа мамлакатларининг айрим доиралари Форс кўрфази районидаги вазиятни атайин жиддийлаштиришга уринмоқдалар. Улар фаластинликлар Ормуз бўғозидан ўтиб кетаётган танкерларни гўё ботиришга уринмоқчи, деган хабарни тарқатдилар. Фаластинликлар бу ҳаракат натижасида нефтни бошқа мамлакатларга юборишни тўхтатиб қўймоқчи эмиш.

Қизиғи шундаки, Вашингтон томонидан тарқатилган бу хабарни қатор араб мамлакатлари бутунлай рад қилдилар. Шунга қарамасдан, Англиянинг суғурта компанияси «Ллойдс» ифвони авжига чиқарди ва Форс кўрфазини уруш ҳаракатлари зонаси деб эълон қилишгача борди етди. «Ллойдс» компанияси империализмнинг олдиндан планлаштириб қўйган ҳарбий мақсадларини кўзлаб ҳаракат қилмоқда. Форс кўрфази районидаги давлатларга психологик уруш йўли билан таъсир қилишга уриниш ўт билан ўйнашишдан бошқа нарса эмас. Бу давлатларнинг кенг доиралари Америка империалистлари ва уларнинг ҳомийлари томонидан уюштирилган ифволардан қаттиқ ғазабланмоқдалар.

Хўш, Ормуз бўғози районида ғўё танкерларни чўктириш «плани» тўғрисидаги ифвони тарқатишдан Вашингтон нузатаётган мақсад қандай?

Америка империалистларининг нефть районларига бостириб кириш планлари янада кучайди. «Тез чора кўриш корпуси» ҳам зўр бериб кучайтирилмоқда. Корпус қўмондони генерал В. Уорнер ихтиёрида 1000 дан ортиқ қирувчи, бомбардимончи самолётлар, 700 дан ортиқ транспорт самолёт ортган 13 та авианосец ҳам шуларнинг ихтиёридадир.

Пентагон ҳарбийлари нефтга бой бўлган Бахрайн, Ироқ, Катар, Қувайт, Бирлашган Араб амирлиги, Уммон, Саудия Арабистони каби мамлакатларни, прогрессив тараққиёт йўлидаги Яман Халқ-Демократик республикасини, Султон Қобус зулмига қарши кураш олиб бораётган Уммон ва бошқа мустақил давлатларни ўзларига тобе қилишга ҳаракат қилмоқда. Ўзларидан ташқари, Манома, Даҳрон ҳарбий базаларини кучайтириш йўли билан Сокотра, Перим Камаран, Масира оролларидаги ҳам стратегик базаларга айлантиришга уринмоқда. Масира базаси Ҳинд океандаги Диего-Гарсия базаси билан боғланмоқда.

65 километр узунликдаги Ормуз бўғозидан ҳар 12 минутда битта супертанкер ўтади. Пилига 460 минг тонна нефть қазиб олаётган Саудия Арабистонини ҳисобга олсак, бу бўғозлан қанчалик кўп нефть танкерлари ўтишини тасаввур қилиш қийин эмас. Эндиликда бўғозни кўриклаб бориш Қобус ҳукуматига топширилди. Қобус тузумини мустаҳкамлаш учун Садат Уммонга танпарварларини мўлжалга олмоқда. Улардан ташқари, Манома, Даҳрон ҳарбий базаларини кучайтириш йўли билан Сокотра, Перим Камаран. Масира оролларидаги ҳам стратегик базаларга айлантиришга уринмоқда. Масира базаси Ҳинд океандаги Диего-Гарсия базаси билан боғланмоқда.

65 километр узунликдаги Ормуз бўғозидан ҳар 12 минутда битта супертанкер ўтади. Пилига 460 минг тонна нефть қазиб олаётган Саудия Арабистонини ҳисобга олсак, бу бўғозлан қанчалик кўп нефть танкерлари ўтишини тасаввур қилиш қийин эмас. Эндиликда бўғозни кўриклаб бориш Қобус ҳукуматига топширилди. Қобус тузумини мустаҳкамлаш учун Садат Уммонга 12 минг аскар юбориб, Пентагон мақсадларини ҳимоя қилмоқда.

Бу районда АҚШ разведка бошқармаси, Миср ва Исроил разведкалари бирлашган Араб амирлиги, Уммон, Саудия Арабистони каби мамлакатларни, прогрессив тараққиёт йўлидаги Яман Халқ-Демократик республикасини, Султон Қобус зулмига қарши кураш олиб бораётган Уммон ва бошқа мустақил давлатларни ўзларига тобе қилишга ҳаракат қилмоқда. Ўзларид

Бизнинг ахборот

ТРАКТОРСОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

ТОШКЕНТ трактор заводининг ишчилар шаҳарчаси обод ва кўркам бўлиб бораяпти. Тракторсозлар учун янги турар-жой, маданий-маиший муассасалар барпо этилмоқда. Яқинда ишчилар шаҳарчасида янги бозор ишга туширилди. Бу ерда тракторсозлар оталиқ хўжаликлар меҳнаткашларининг инъомлари — сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум харид қилишлари мумкин.

Ҳозир тракторсозларга яна бир қулайлик яратилмоқда. Луначарское шоссесининг трактор заводи олдидаги қисмида ер ости йўли қурилиши олиб борилаётир. Туннель қурилишини шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трестининг 1- механизациялашган бошқармаси коллективи амалга ошираяпти. Қурувчилар ер ости туннелини яқин вақт ичида фойдаланишга топширадилар.

САНЪАТКОРЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

ЎЗБЕК давлат филармонияси областимиз пахтакорларига хизмат кўрсатиш учун тўртта концерт группаси ташкил этди. Таниқли санъаткорлардан О. Отажонов, О. Ҳайитова, Ғ. Еқубов, Ш. Ғозиев раҳбарлик қилаётган хонанда, созанда ва раққосалар бевосита дала шийпонларида қишлоқ меҳнаткашларига концертлар қўйиб бераётирлар.

Концерт группалари қисқа вақт ичида Пискент районидаги Тельман номли, Бўка районидаги Ҳамза номли, Чиноз районидаги Охунбобоев номли, Навоий номли колхозлар пахтакорларини дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари билан хушнуд этдилар.

Шу кунларда бошқирд-татар ансамбли санъаткорлари ҳам областимиз қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатаётирлар.

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ кўн-галантерия фабрикасида ишлаб чиқарилаётган кенг халқ истеъмол моллари харидорларга манзур бўлмоқда. Корхонада турли хил сумкалар, қўлқоплар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Фақат шу йилнинг ўзида 45 дан ортиқ янги моделдаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхонада тайёрланаётган буюмларнинг айримларига давлат Сифат белгиси берилган. Шу йилнинг биринчи ярмида фабрикада 24 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди.

М. ЗАРИПОВ.

ЭЛ ХИЗМАТИДАГИ ЗИЁКОР

Лазокат Қаюмова ўз бахтини меҳнатдан топган илғор аёлларимиздан бири ҳисобланади. Ўз касбини яхши билади, студентларга билим беришда, катта коллективга бош-қош бўлишда яхшигина тажрибага эга.

Сайловчилар унга ишонч билдиришиб, учинчи марта область Совети депутатлигига сайлашди.

Л. Қаюмова ҳам ўқитувчи, ҳам депутат сифатида кўпчилик ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Ҳар йили 1 сентябрга у бошчилик қилаётган коллектив катта тайёргарлик билан келади. Бу йил ҳам техникум коллективи ҳамма тайёргарликни кўрди. Бу билим учоғида озиқ-овқат саноати учун мутахассислар тайёрланиб, улар аудиторияларда олган назарий билимларини шаҳардаги қатор корхоналарда мустаҳкамлашади.

Техникум ҳали янча ёш. Дастлаб бу ерда 4 ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланган бўлса, ҳозир улар сони 7 тага етди. Шу кунларда билим юрти қучоғидан таълим олиб чиққан 1300 дан кўпроқ мутахассислар озиқ-овқат, гўшт-сут саноати ва савдо министрлигига қарашли корхоналарда меҳнат қилишяпти.

Янгийўлдаги бу техникумда таълим-тарбия ишлари кабинет системасига тўла кўчирилган. 22 та кабинет, 11 та лабораториягa эга. Кабинет ва лабораториялар ҳозирги замон озиқ-овқат саноатининг техника воситалари билан жиҳозланган. Юқори малакали 70 кишидан иборат аҳил ўқитувчилар коллективи студентларга таълим-тарбия бермоқда. Турли мутахассисликлар бўйича кундузги курсларда 1125 студент, сиртқи бўлимда 600 студент янги ўқув йилини уюшқоқлик билан бошлаб юборишди.

— Шу кунларда Янгийўл шаҳридаги озиқ-овқат корхоналарида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг 30 процентдан кўпроғи шу техникум талабалари, — дейди техникум директори Л. Қаюмова. Дарҳақиқат, ёғ-мой комбинатида меҳнат қилаётган партиямиз XXV съездининг делегати А. И. Панина ҳам шу техникумда билим олган. Бу ерда билим олган студентлардан ўтган йили бир группа ташаббус билан чиқиб, Гулистон шаҳрида ишга туширилдиган ёғ-мой комбинатига ишга кетди. Улар шу кунларда бу янги корхонанинг етакчи кадрлари ҳисобланишади.

Техникумда таълим-тарбия олаётган студентлар учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Айниқса, ётоқхоналарда ётадиган студентлар учун бутун қулайликлар мавжуд. Уларга вақти-вақти билан турли темаларда қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Бу суҳбатларнинг кўпчилигини тематикаси интернационал тарбияга қаратилган. Ишларни ҳаётга, меҳнат фаолиятига тобора ўсиб, ривожланиб бораётган фан-техника ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни бошқаришга тайёрлаш ҳозирги даврда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланиши бугунги кунда сир эмас. Меҳнат энг яхши ва қудратли тарбиячи эканини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Келажагимиз бўлган ёш авлодга меҳнат, ишлаб чиқариш малакаларини сингдириб бориш, уларни танлаган касблари бўйича меҳнат қилишга ўргатиш ишларида Орифжон Абдуҳалилов, Ҳамза Аҳмедов, Исоғ Нишоналиев, Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг қатнашчиси Евгения Георгиевна Воронкова каби малакали ўқитувчилар фидокорлик кўрсатишяпти. Улар ўз билим ва тажрибаларини студентларга қунт билан ўргатишяпти.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Ўтган йили республикамиздаги техникумлар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада қатнашган бу коллектив мусобақа якунланганда иккинчи ўринни олишга сазовор бўлди. Уларга иккинчи даражали диплом ҳам берилди. Яна шу йили студентларга таълим-тарбия бериш ишларида техник воситалардан фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этиб, учинчи ўринни ва учинчи даражали диплом ҳамда учта бронза медалини олишга сазовор бўлишди. Шу кунларда бу коллектив келгуси йили ўтказиладиган интернационал дўстлик клуби мусобақаларида қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу ишларнинг ҳаммасига Лазокат Қаюмова бош-қош бўлмоқда.

Уни депутатликка сайлаган Янгийўл шаҳридаги 112-сайлов округининг бир группа сайловчилари узларига маиший хизмат кўрсатиш ишлари ёмонлигини айтиб ундан ёрдам беришни илтимос қилишди. Уларнинг бу нақазлари кўп ўтмай бажарилди. «Феруза» маиший хизмат кўрсатиш комбинати ишга туширилиб, уларга хизмат кўрсата бошлади.

У депутат сифатида ўз сайловчилари билан вақти-вақтида учрашиб, ҳисоб беради. Сайловчиларнинг талаб ва истакларини эшитади. Кейинги учрашувлардан бирида Янгийўл шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Галя Раҳмонқулова бир хонали уйга чиқилишиб қолаётганлигини, лекин уй-жой шароитини яхшилашда ёрдам беришини сўраб қилган илтимослари бекор қолаётганлиги ҳақида нолиб қолди. У ўз депутатидан уй-жой шароитини яхшилашда ёрдам сўради. Л. Қаюмова шаҳар Советининг раҳбарлари билан гаплашиб, бу масалани ҳал қилиб берди. Унинг уйи икки хоналикка алмаштирилди. Кўча ва йўлкаларни асфальтлаш ишларида ҳам сайловчиларнинг қатор илтимосларини бажаришга ёрдам берди. Моҳир зиёкор, халқ ишончини оқлаётган депутат Лазокат Қаюмова Янгийўл шаҳар хотин-қизлар Советининг раиси ҳам ҳисобланади.

Катта коллективга бош, ажойиб ўқитувчи, тажрибали методист, меҳрибон устоз студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш, давримизнинг ажойиб кишилари қилиб етиштиришдек шарафли ва масъулиятли ишда тинмай меҳнат қилаётган зиёкорга бу соҳада янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Суратда: (чапдан) техник ум сиртқи бўлими мудири О. Абдуҳалилов, виночилик технологияси бўлими мудири Л. Л. Николаева, техникум директори Л. Қаюмова, қандолатчилик бўлими мудири У. Эркаев, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари С. М. Зоворохина ва умумий овқатланиш технологияси бўлимининг мудири Ф. Аҳмедов ўртоқлар янги ўқув йилига тайёргарлик ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

МУЗЕЙГА МАКТУБ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи фондида мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошлар томонидан тортиқ қилинган асарлар ҳам анчагина. Булар учун бу ерда алоҳида бўлим ажратилган.

Москвалик скульптор И. Г. Фриххар ижодига мансуб асарлардан намуналар ҳам музейда сақланади. Чапаев дивизиясининг собиқ жангчиси бўлган бу йигит монументал санъатга ёшлигидан қизиқарди. Тошкентда ва Самарқандда хизмат қилиб юрганда унинг эътиборини Туркистон ўлка бадиий мактаби ўзига тортди.

Яқинда таниқли ижодкор музей ходимлари илтимосига кўра жавоб мактубини йўллади. Унда музейда сақланаётган асарлари устида қандай иш олиб борганлиги ҳикоя қилинган эди.

БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАБ

Тошкент шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларида Халқаро болалар йилига бағишлаб қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ҳар шанбада «Болалар — бизнинг келажагимиз» лекторийси иш олиб боради. Ўқувчилар бу ердаги адабиёт ва музика ихлосмандлари, интернационал дўстлик клубларидаги машғулотларда актив қатнашадилар. Улар учун «Беш халқа», «Олимпиадачилар орамизда» «Кувноқ стартлар» ўтказилади.

Боғда «Ҳар доим бўлсин қуёш», «Дунё болаларига тинчлик» шиорлари остида кечалар ўтказиляпти.

Пойтахтдаги М. Горький номли, Ленин комсомоли, «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғларида ҳам Халқаро болалар йили муносабати билан пионер ва ўқувчилар учун турли учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиляпти.

ЧЕТ ЭЛ АДАБИЁТИ БЎЛИМИ

Тошкентдаги «Билим» китоб магазини чет эл адабиётлари пропагандаси билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Бу ишни янада яхшилаш мақсадида магазинда чет эл адабиёти билан савдо қилувчи алоҳида бўлим очилди.

Ҳозир бу ерда Америка, Англия, Франция, Италия, Австрия каби давлатларда чоп этилган турли китобларни харид қилиш мумкин. Яқин орада араб мамлакатлари ва Лотин Америкаси нашриётларида босилган асарлар билан ҳам савдо қилиш йўлга қўйилади.

Бўлим ҳузурида саволжавоб бурчаги ҳам очилади.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

КРАСНОЯРСК ЎЛКАСИ. Бу йил Саяно-Шушенск ГЭСи қурувчилари 1,5 миллион кубометрга яқин бетон ётқизишлари керак. Бунёдкорлар қийинчиликларни бартараф этиб, графикдан ўзган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Улар зиммаларига олган мажбурият — шу йилнинг ўзида станциянинг иккинчи ва учинчи агрегатларини ишга туширишдан иборат. Суратда: ГЭСнинг бир группа инженер ва қурувчилари бажарилган иш ҳақида фикрлашмоқдалар.

Ярославль областида анъанавий санъат байрами бўлиб ўтди. Фестиваль давомида 2 мингга яқин санъаткорлар механизаторлар, ғаллакор ва чорвадорларга ўз санъатларини намойиш этдилар. Санъат байрамида Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисткаси Людмила Зикина ҳам қатнашди. Унинг қўшиқларини областдаги бир қатор район меҳнаткашлари мароқ билан тинглашди. Суратда: «Прогресс» колхози шофёри меҳмонларни нон ва туз билан кутиб олмоқда.

Ю. Бармин, С. Губский ҳамда С. Метелиц фотолари, ТАСС фотохроникаси.



АРХАНГЕЛЬСК. Бу ердаги денгиз портини «Арктика» дарвозаси деб аташади. Бу бежиз эмас. Негаки шу ердан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига кўплаб қурилиш материаллари ҳамда бошқа хил маҳсулотлар ортган кемалар йўлга чиқади. Суратда: кемаларга ёғоч ортиш пайти.

Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Японияда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Чорак финалчиларнинг бештаси маълум бўлди. Булар орасида СССР терма командаси ҳам бор. Совет футболчилари биринчи кун Венгрия командаси билан бўлган ўйинда йирик 5:1 ҳисобида устун келишли. Иккинчи турда эса Гвиней футболчиларини 3:0 ҳисобида енгишди.

Мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари навбатдаги 22-турга якун ясадилар. Ўтган куни шу турнинг иккита ўйини бўлди. Киев динамочилари минсклик клубдошларини 1:0 ҳисобида енгиб, 34 очко билан пешқадам бўлиб олдилар. «Спартак» — «Заря»ни 3:1 ҳисобида енгди ва учинчи ўринга кўтарилди.

Навбатдаги тур ўйинлари 31 август ва 1 сентябрда бўлади. «Пахтакор» 1 сентябрда ўз майдонида «Нефтчи» командасини қабул қилади.

Мамлакат чемпионати иккинчи лига бешинчи зона қатнашчилари эса 33-тур ўйинларини ўтказишди. «Шаҳрихон» футболчилари яна ғалабага эришиб, очколарни 48 тага етказдилар. Улар ўз майдонларида «Автомобилист» командасини 1:0 ҳисобида енгишди. «Янгиер» эса «Амударё» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида устун келди. Умуман бу тур пешқадамлар учун муваффақиятли бўлди. «Бўстон» ҳам ўз ҳисобига 2 очко ёзди. Жиззах футболчилари «Актюбинец» командасини 2:1 ҳисобида енгдилар. Шу турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтачи» — «Металлург» (Мг) 0:0, «Орбита» — «Строитель» 2:0, «Хўжанд» — «Труд» 3:2, «Динамо» — «Хива» 3:0, «Нефтяник» — «Каршистрой» 4:0, «Текстильчик» — «Пахтакор» 1:0, «Хоразм» — «Металлург» (Чм) 2:1.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Украиннанинг Уман шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида эшкак эшиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Республикамиз терма командасини Бекобод ва чирчиқлик спортчилар ташкил этишди. Ҳали ҳеч қандай мусобақаларда эшкак эшувчиларимиз бунчалик кўп медалларга сазовор бўлишмаган эди. 8 та олтин, 10 та кумуш, ва 9 та бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимиз команда ҳисобида Белоруссия, РСФСР ва Украина командаларидан кейинги тўртинчи ўринни эгаллашди. Олтин медалларга сазовор бўлганлар орасида чирчиқлик Н. Фомина, тошкентлик В. Устинович, бекободлик А. Рясков, Е. Титюхин, А. Конков, Н. Терioховлар ғалабасини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу спортчилар чемпион бўлиш билан бирга ўз шахсий натижаларини ҳам анча яхшилашга муваффақ бўлишди.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтимиздаги шахматашка клубида «Еш ленинчи» газетаси мукофоти учун ўтказилган очиқ биринчиликда Ўзбекистоннинг зиг кучли спортчилари билан бирга Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари, Челябинск ва бошқа шаҳарлардан келган 178 шахматчи дона сурди. Кескин беллашувлардан кейин дастлабки уч ўринни тошкентлик спортчилар қўлга киритишди. 11 имкониятдан 9,5 очко тўплаган Сергей Федяшин биринчи ўринни олди. 7 шахматчи эса 8,5 тадан очко тўплади. Ф. Шарин билан А. Тошхўжаевлар очколар коэффициентига кўра иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақа давомида 9 шахматчи мастерликка номзод нормативини бажарди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 да,
2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 15.00 ва 19.30 ДА
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН

ЁШ ИЖРОЧИЛАР КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚАССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Дилафруз ЖАББОРОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Малика АҲМЕДОВА,

Лирик хонанда Ғуломжон ЕҚУБОВ.

Солистлар: Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Назриддин ШЕРМАТОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Гулнора АЪЗАМОВА, Мохичехра ИСЛОМОВА, Ғўзибой ОТАЖОНОВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, ака-ука Дилмурод, Ҳолмурод ва Элмурод ИСЛОМОВЛАР.

Интермедия ва юморда Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ.

Оригинал жанрда ака-ука Саттор ва Саркор ИСЛОМОВЛАР.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

прокат пунктларининг мудирларини тайёрлаш бўйича 2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади. Битирувчилар ўқишни тугатгач «Ташгорпрокатразнобит» ихтисослашган ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади. Ўқиш даврида ойига 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқишга 18 ва ундан юқори ёшдаги, Тошкент пропискаси бўлганлар қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), шахсий ҳужжат, меҳнат дафтарчаси.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй (19, 47, 102, 115, 121-автобуслар, 2, 16-трамвайларнинг «Ўзбексельмаш» заводи бекати).

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Халқлар дўстлиги проспекти, 2 «а»-уй, метронинг «Ҳамза» станцияси. Телефонлар: 77-83-96, 35-25-64.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горячилар, қардаслар! 10.35 — Мини-баскетбол бўйича Бутуниттифоқ болалар мусобақалари. 10.50 — Тушетия чўпонлари. Бадиий фильм. 2-серия. 11.55 — Халқ ижоди. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Рус тили. 16.20 — Велоспорт бўйича жаҳон чемпионати. 16.40 — Мана, ёз ҳам ўтиб кетди. Бадиий фильм. 17.45 — Ешлар адреслари. 18.30 — Янги ўқув йилининг бошланишига. 19.00 — Кувноқ ноталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Шундай одам бўлган эди. 19.45 — Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Финал. 21.30 — Время. 22.00 — Руминия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига. 23.30 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 12.00 — Пўлат қандай тобланди. Бадиий фильм. 6-серия. 12.55 — Мактаб ўқувчидари учун. 13.25 — Замандас. 18.20 — Халқаро болалар йилига. 18.45 — Ешлик. 19.15 — Янги ўқув йилингиз муборак бўлсин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Марҳамат гуллари» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Еш вокалистлар республика конкурсининг лауреати Д. Еқубова концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Классик куй саҳифадари. 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — Оддий фашизм. Бадиий фильм. 1-серия.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/VIII да **Дилором**, 31/VIII да **Ўйқудаги гўзал** (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VIII да **Соқов рицар**, 31/VIII да **Шошма, куёш!**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ БИНОСИДА Ғ. КАМОЛ номидаги Татар давлат академик театрининг гастроллари — 30/VIII да **Тартюф ёки ёлғончи**, 31/VIII да **Татар аёлининг тақдири**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«КИЧИК ЮЛДУЗЛАР ШУЪЛАСИ»** лилипутлар циркининг гастролларн.

«ТАШОБЛМЕЛИОВОДСТРОЙ» ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

бош энергетик, техника хавфсизлиги бўйича катта инспектор, катта бухгалтер-ревизор, бошқарма ва унинг Пискент, Янгийўл, Бектемир шаҳарлари ва Ўртасарой посёлкасидаги қисмларида ишлаш учун бош бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Экскаваторная кўчаси, 51-уй.

Тошкент областидаги аҳолига транспорт-экспедицион хизмат кўрсатиш ихтисослашган автомобиль корхонасига 1—2—3-класс автомашина ҳайдовчилари

КЕРАК

Автоколонналар: Назарбек, Солдатское, Янгибозор посёлкалари; Чирчиқ, Тўйтепа, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларида жойлашган.

Иш ҳақи вақтбай-мукофотли.

Автоколонна директорларига мурожаат қилинсин.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, партия ташкилоти ва шахсий состави Тошкент район ижроия комитети ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Т. Маҳамаджоновга онаси

Турдихон ДАМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06462. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2557.